



О‘ЗБЕКISTON TEMIRYO‘LCHILARINING GAZETASI

2026-yil • 19-fevral • payshanba • № 7 (6587)

Temir yo‘llar
mamlakatimiz
iqtisodiyoti-
ning qon
tomiridir.

Gazeta 1933-yildan
chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг қарори

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон кадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, эҳтиёжманд тоифаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларимиз туфайли муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ўзаро аҳиллик, саховат ва шукроналик ғояларини ўзида мужасам этган муборак Рамазон ойи халқимиз қалбига янада яқин ва мўътабар айёмга айланмоқда.

Ижтимоий-маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётган Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, диний-маърифий, маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2026 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши 19 февраль кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мамлакатимизда Рамазон ойини миллий анъана ва қадриятларга мос тарзда ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга оширсин.

“Рамазон – меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик ойи” деган эзгу ғоя асосида:

а) кам таъминланган, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

б) маҳаллаларни ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, адолат ва тарбия масканига айлантириш;

в) ер, сув, ҳаво ва табиий муҳитни асраш, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ ва қабристонларни обод этиш;

г) Рамазон ойи билан боғлиқ тадбирларни исрофгарчиликка йўл қўймасдан, ихчам, мазмунли ва тежамкорлик асосида ўтказишга алоҳида эътибор берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Қ.Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

МАРКАЗИЙ КЛИНИК ШИФОХОНАСИ:

СИФАТЛИ ХИЗМАТ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАР БЕМОРЛАРНИ ТЕЗРОҚ СОҒЛОМЛАШТИРМОҚДА

САЛОМАТЛИК – ИНСОН УЧУН ЭНГ ҚАДРЛИ НЕЪМАТ. ЗЕРО, ФАҚАТ
СОҒЛОМ ИНСОНГИНА ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИНИ МУСТАҲКАМЛАБ,
КАСБИДА САМАРАЛИ ВА СИФАТЛИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТА ОЛАДИ.
БЕМОР БЎЛГАН ПАЙТЛАРИМИЗДА СОҒЛИҒИМИЗНИ ТЕЗРОҚ
ТИКЛАБ, ОИЛАГА, МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИМИЗГА ҚАЙТИШ УЧУН
ИШОНЧЛИ ШИФОХОНАГА МУРОЖААТ ҚИЛАМИЗ.



Бугун темир йўл тизимидаги шифохоналарда айнан биз хоҳлаган ишончли ва сифатли тиббий муолажани йўлга қўйишга катта аҳамият қаратилмоқда. Чунки тизимда 70 мингга яқин ходимлар фаолият кўрсатади.

Уларнинг саломатлигини асраш, бемор бўлганида мавжуд шифохоналаримизда даволаб, оиласи бағрига, меҳнат фаолиятига тезроқ қайтиши учун зарур чоралар кўрилмоқда. Ижодий жамоамиз билан “Ўзбекистон темир йўл-



лари” акциядорлик жамиятининг Марказий клиник шифохонасига борганимизда бунга гувоҳ бўлдик. Эътиборлиси, Жамиятимиз ва “Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти раҳбарлари мақсадини жуда катта қўйишган. Ушбу шифохонада нафақат темирйўлчиларга ва республикамизнинг барча ҳудудларидан келаётган

аҳолига, балки қўшни давлатлар, ҳатто чет элдан келаётган беморларга ҳам сифатли тиббий муолажалар кўрсатилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, 2025 йил якунида таъмирланиб, кўркам ҳолатга келтирилган шифохона ҳудудини кўриб, тўғриси юртимизнинг сўлим гўшаларидаги дам олиш санаторийларига ҳам ўхшатиб юбордик. Бугун бу

ерга келган беморлар, даволанаиб, дам олишмоқда. Шифохона кириш-чиқиш йўлаклари қайта таъмирланиб, беморлар келиб, кетиши ва тез тиббий ёрдам машинаси учун қулай шароитлар яратилди. Шифохона ички йўлаклари тўлиқ сифатли асфальт қилиниб, барча биноларнинг ташқи қисми таъмирланди.

Давоми 2-бетда ➡➡

РЕЛЬСЛАР ОРТИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МЕДИА ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ КАТТА

ТЕМИР ЙЎЛ – БУ ШУНЧАКИ РЕЛЬСЛАР ВА ПОЕЗДЛАРДАН ИБОРАТ ТИЗИМ ЭМАС. У МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТОМИРИ, САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ, ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТНИ, ҲУДУДЛАРНИ ВА ИНСОНЛАРНИ БИР-БИРИГА БОҒЛАБ ТУРУВЧИ ҲАЁТНИЙ ИНФРАТУЗИЛМАДИР. АЙНИҚСА, ЮК ТАШИШ ТИЗИМИ ҲАҚИДА СЎЗ БОРГАНДА, БУ СОҲАНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ БУТУН ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИГА БЕВОСИТА ТАЪСИР КЎРСАТАДИ. ШУ БОИС БУГУНГИ КУНДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАСИ ФАҚАТ ТЕХНИК ЁКИ ИЧКИ ХИЗМАТ ДОИРАСИДАГИ ВАЗИФА ЭМАС, БАЛКИ ЖАМИЯТ ЭЪТИБОРИДАГИ МУҲИМ ИЖТИМОИЙ МАСАЛАГА АЙЛАНГАН.



Магистратура босқичидаги якуний амалиётимни юк ташиш соҳасида етакчи корхоналардан бири – “Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти фаолияти мисолида ўтказдим. Амалиёт давомида бир ҳақиқат янада равшанлашди: ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш фақат рельслар мустаҳкамлиги ёки техник назорат билан эмас, балки тўғри ахборот сиёсати ва жамоатчилик билан самарали мулоқот орқали ҳам таъминланади.

Бугунги рақамли трансформация даврида логистика жараёнлари замонавий технологиялар билан бошқарилмоқда. Мониторинг тизимлари, электрон назорат, реал вақт режимидаги кузатув – буларнинг барчаси хавфсизлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Аммо энг мукамал техника ҳам инсон омилини инкор эта олмайди. Темир йўл кесишмаларида содир бўладиган қўллаб-нохуш ҳодисалар ҳайдовчиларнинг эътиборсизлиги ёки оғохлантирувчи сигналларга бепарволиги оқибатида юз беради. Демак, хавфсизлик – бу нафақат муҳандислик, балки онг ва

масъулият масаласидир.

Шу нуқтада корхонанинг матбуот маркази алоҳида ўрин тутadi. У нафақат ахборот тарқатади, балки жамиятда хавфсизлик маданиятини шакллантиришга хизмат қилади. Профилактик материаллар, ижтимоий роликлар, инфографикалар ва тушунтирувчи мақолалар орқали оддий фуқаро учун мураккаб техник жараёнлар содда ва тушунарли шаклда етказилади. Масалан, ортиқча юкланган вагон рельсдан чиқиш хавфини ошириши ёки нотўғри маҳкамланган юк ҳаракат вақтида силжиши мумкинлиги ҳақида визуал мисоллар билан тушунтириш – бу оддий оғохлантириш эмас, балки олдини олиш чораси ҳисобланади.

Амалиёт давомида кузатганим яна бир жиҳат – бу шаффофлик масаласи. Фавқулодда вазият ёки техник узилиш юз берган тақдирда тезкор ва аниқ ахборот бериш ишончини мустаҳкамлайди. Акс ҳолда, мишмиш ва асоссиз хабарлар вазиятни мураккаблаштириши мумкин.

Давоми 2-бетда ➡➡

МАРКАЗИЙ КЛИНИК ШИФОХОНАСИ:

СИФАТЛИ ХИЗМАТ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАР БЕМОРЛАРНИ ТЕЗРОҚ СОҒЛОМЛАШТИРМОҚДА

Давом. Бошланиши 1-бетда

Айни пайтда ҳар куни юз нафарга яқин бемор даво истаб келаётган ши-
фохона бўлимлари учун жуда катта
хориж валюталарига энг сўнгги русум-
даги сифатли ва замонавий тиббий
жиҳозлар сотиб олинди ҳамда монтаж
қилиш ишлари бажарилмоқда. Бунга
биз шифохонага борган кунимиз янги
тиббий жиҳозларни автомобилдан ту-
ширишаётганига гувоҳ бўлдик.

Маълумки, дунё миқёсида замо-
навий тиббий жиҳозлар жуда қиммат
туради. Айниқса, ташхис қўйиш ва
жарроҳлик учун зарур бўлган тиббий
техникалар янада қимматга келтири-
лади. Шунга қарамай “Ўзбекистон те-
мир йўллари” акциядорлик жамияти
раҳбарияти ташаббуси билан ушбу
шифохонага энг замонавий жарроҳ-
лик тиббий техникалари ва магнит-
резонанс томография аппарати кел-
тирилиб, уни ўрнатиш ишлари олиб
борилмоқда.

Магнит-резонанс томографияси
(МРТ) – бу кучли магнит майдони ва
радиотўқинлар ёрдамида тананинг
ички аъзолари ва тўқималарини зар-
арсиз, нурланмаган ҳолда, батаф-
сил тасвирга олувчи замонавий тиб-
бий ташхис усули бўлиб, тиббиётда
беморларга ташхис қўйишда жуда
талаб юқори бўлган тиббий жиҳоз-
дир.

Шунингдек, 4К лапароскопик
жамланма – бу қорин бўшлиғидаги
жарроҳлик амалиётлари (масалан,
холецистэктомия)ни ўтказиш учун
4 та кичик тешик орқали 4 та троа-
карни киритган ҳолда амалга оши-
риладиган кам инвазив жарроҳлик
усулида бажариладиган операция-
ларда қўлланиладиган ускунадир.
Бу усул кам шикастланиш, космет-
ик натижа ва тез тикланишни таъ-
минлайди. Асосий жиҳатлари катта
кесма ўрнига 4 та кичик тешик (5-10
мм) қўлланилади.

Шифохонага келтирилган С-ёйли
рентген аппарати ҳақида ҳам тўхта-
либ ўтмасак бўлмайди. Ушбу жиҳоз
тиббиётда, хусусан, травматологик,
ортопедик, кардиологик, юрак-қон
томир ва бошқа жарроҳлик амалиёт-
ларида реал вақт режимида (жонли)
рентген тасвирларини беморни қи-
мирлатмасдан органларини турли
бурчаклардан кўриш имконини бера-
диган, штативи “С” ҳарфи шаклида
бўлган мобил рентген қурилмасидир.
Ушбу рентгент аппарати жарроҳлик
бўлимида амалга ошириладиган
юқори технологик операцияларни



бажариш имкониятларини янада
кенгайтиради.

Яна бир муҳим жиҳат, бугун ушбу
шифохона нафақат замонавий тиб-
бий жиҳозлар билан таъминланмоқ-
да, балки республикамизнинг энг
тажрибали профессор ва шифокор-
ларни, ўз соҳасидаги етук олимлар-
ни жалб қилиш, улар учун зарур ша-
роитларни ҳозирлаш ва керак бўлса,
тажрибасини янада ошириш учун
имконият яратиб беришга катта аҳа-
мият қаратмоқда.

Марказий клиник шифохонаси
бош жарроҳи, Тошкент тиббиёт ака-
демияси хирургик касалликлар ка-
федраси профессори, тиббиёт фан-
лари доктори Илҳом Ҳайитов ҳам
замонавий тиббиётни яхши тушуна-
диган тажрибали мутахассислардан
бири.

– “Ўзбекистон темир йўллари”
акциядорлик жамияти ҳамда “Темир
йўл ижтимоий хизматлар” масъулия-
ти чекланган жамияти раҳбарияти
ташаббуси билан клиникамизда кенг
қўламдаги таъмирлаш ишлари амал-
га оширилиб, замонавий тиббий жи-
ҳозлар ўрнатилиши натижасида рес-
публикамизда рақобатбардош муас-
сасалардан бирига айланди, – дейди
И.Ҳайитов. – Жарроҳлик бўлимига
янги олиб келинган тиббий техноло-
гиялар натижасида замонавий хи-
рургик даво усуллари татбиқ қилини-
ши туфайли нафақат темирйўлчилар
ёҳуд республикамизнинг турли чекка
ҳудудларидан, балки қўшни давлат-
лар ва чет элдан келаётган бемор-
ларга кўрсатилаётган даво усулла-
рининг сифатини анча оширишга
хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда ушбу шифохонада
замонавий диагностика асбоб-уску-
наларини ўрнатиш ишлари давом



этномоқда. Шунинг билан керакли,
бу жиҳозлар энг замонавий техник
ускуналар ҳисобланиб, беморлари-
мизнинг шифо топишида жуда муҳим
ўрин тутати. Шифохонанинг жарроҳ-
лик бўлими 40 ўринга мўлжалланган
бўлиб, сўнгги йилларда бу ерда за-
монавий жарроҳлик усуллари амалга
оширилмоқда. Бўлимга 4К лапарос-
копик жамланма, 2 та стойка, лига-
шур (LigaSure – диаметри 7-8 милли-
метр)гача бўлган қон томирлари ва
тўқималарни ишончли ва хавфсиз
“пайвандлаш” (лигирование) учун
замонавий электрожарроҳлик техно-
логияси) ва гармоник скальпеллар
олинди. Бу тиббий жиҳозлар юқори
технологик сифатга эга бўлиб, қорин
бўшлиғида бажариладиган барча
жарроҳлик амалиётларини, бундан
ташқари, артроскопик, травматоло-
гик, гинекологик ҳамда урологик опе-
рацияларни ўтказиш имконини ҳам
бермоқда.

Проктолог, жарроҳ Бобожон То-
шов ҳам Марказий клиник шифохо-
насининг ёш ва тажрибали мутахас-
сисларидан. У Россия Федерация-
сининг Санкт-Петербург шаҳридаги
Тиббиёт академиясида таҳсил олган.
Фаолиятини 2019 йилда бошлаган
бўлиб, бугунги кунгача 2 мингдан
ортиқ беморда муваффақиятли жар-
роҳлик амалиётларини ўтказиб, юрт-
дошларимизнинг соғлом ҳаётга қай-
тишига ҳисса қўшган.



– Проктология – бу ичаклар, яъни
йўғон ва тўғри ичакда бўладиган ка-
салликлар диагностикаси, профилак-
тикаси ҳамда уларни даволаш билан
шугулланишдир, – дейди Б.Тошов.
– Шифохонамизга проктологик муам-
молар билан бир кунда 10-15 нафар-
гача бемор муружаат қилади. 2025
йилда юздан ортиқ проктологик жар-
роҳлик амалиётини муваффақиятли
ўтказдик. Ушбу операциялар мобай-
нида 95 фоиз замонавий тиббий жи-
ҳозлардан фойдаланилди. Бунинг на-
тижасида беморларда оғриқларнинг
анча пасайиши ва уларнинг реабили-
тация жараёни эрталиги кузатиб бо-

рилди. Беморлар орасида темирйўл-
чилар ҳам, пуллик хизматга кела-
диган аҳоли ҳам бор. Ҳозирги кунда
биз проктологик операцияларнинг
барча турини муваффақиятли амал-
га оширмоқдамиз. Кўпчиликка таниш
бўлган гемморой, анал ёриқлари, оқ
ва яра каби ҳар қандай проктологик
муаммолар безовта қилаётган бемор-
лар бизга муружаат қилишади. Биз
келган беморларга тиббий малакали
хизмат кўрсатишга тайёرمىз.

Шифохонага муружаат қилган
беморларни малакали шифокорлар
қабул қилади, кўради, агар зарурат
туғиладиган бўлса, тезкор даво си-

фатида энг замонавий аппаратлар
ёрдамида керакли муолажаларни
ўтказишга ёрдам беради. Яна шунинг
билан кўшимча қилиб айтиш лозимки,
авваллари жарроҳлик амалиётидан
ўтган беморлар қаттиқ оғриқ, ойлаб
руҳий тушкунлик ҳолатлари, дискон-
форт ва безовталиқдан кўп изтироб
чекишган бўлса, ҳозирги кунда юқо-
ри сифатли замонавий тиббий жи-
ҳозлар туфайли оғриқлар сезиларли
даражада камайган. Беморларнинг
реабилитация вақти ҳам қисқарди.
Бу беморнинг кундалик ҳаётига, меҳ-
нат фаолиятига ва оиласи даврасига
тезроқ қайтишини ҳамда фаол ҳаёт
тарзини олиб боришини англайди.

Муҳтасар қилиб айтганда, ши-
фохонага қўшимча тарзда олиб ке-
линган янги ва замонавий тиббий
жиҳозлар фойдаланишга топширил-
гач, ушбу муассаса Тошкентдаги энг
замонавий, кўп турдаги жарроҳлик
амалиётларини муваффақиятли ўт-
казиш ҳамда касалликларни таш-
хислаш имкониятига эга шифохо-
налардан бирига айланиши шубҳасиз.
Бу эса мазкур шифохонада нафақат
темирйўлчилар ёки республикамиз-
нинг турли ҳудудларидан келаётган
беморларга, балки қўшни давлатлар-
дан келадиغان беморларга ҳам на-
мунали хизмат кўрсатиш имконини
оширади.

Рустам ҲАЙДАРОВ

ЖАРАЁН

КОНТАКТ ТАРМОҚЛАРИ ТАЪМИРЛАНМОҚДА



“Ўзбекистон темир йўл-
лари” акциядорлик жамияти
бош муҳандиси Ш.Қодиров-
нинг Электр таъминоти хўжа-
ликларининг 2026 йил 1-чорак
учун хавфсиз ишларни таш-
киллаштириш ва хавфсизлик
техникаси қоидаларига риоя
қилиш борасидаги топшириғи
ижросини таъминлаш мақса-
дида “Тошкент минтақавий те-
мир йўл узели” филиалининг
“Сирдарё” – “Бахт”, “Бахт”
– “Оқ олтин” станциялари
оралиғи жуфт йўлида контакт
тармоғини таъмирлаш ишла-
ри амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ховос электр
таъминоти масофаси бошлиғи
ўринбосари У.Омирбеков бош-
чилигида “Сирдарё” – “Бахт”
станциялар оралиғи жуфт йўли-
нинг 3438-3487-километр ор-
алиғида ушлаб турувчи контакт
тармоғи симлари янгиланди.

Режага асосан, таъмирлаш
ишлари босқичма-босқич бошқа
станциялар ҳудудидаги темир
йўл участкаларида ҳам амалга
оширилмоқда.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА МЕДИА
ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ КАТТА

Давом. Бошланиши 1-бетда

Шу боис масбуот маркази фақат тар-
биячи эмас, балки ахборот барқарор-
лигини таъминловчи муҳим бўғин сифа-
тида ҳам намоён бўлади.

Амалиёт ўташ жараёнида вагон кў-
рикчилари билан суҳбатлашиш имконига
эга бўлдим. Уларнинг ҳар бир деталга эъ-
тибори, масъулияти ва ҳушёрлиги хавф-
сизлик занжирининг кўринмас, аммо ҳал
қилувчи қисми эканини англадим. Ушбу
жараёнини ўрганиш орқали оддий ўрга-
нувчига темир йўл ортида улкан меҳнат
ва масъулият турганини кўрсатиш мум-
кин бўлди. Чунки хавфсизлик – бу жа-
моавий меҳнат натижасидир.

Рақамли мониторинг ва киберхавф-
сизлик ҳам бугунги куннинг долзарб
мавзуларидан. Ахборот тизимларининг
узлуксиз ишлаши юк ҳаракатининг аниқ-
лиги ва тезкорлигини таъминлайди. Ҳар
қандай дастурий носозлик ёки ахборот
хавфсизлигига таҳдид бутун логисти-
ка занжирига салбий таъсир кўрсатиши
мумкин. Демак, хавфсизлик энди фақат
рельслар ва вагонларда эмас, балки сер-
верлар ҳамда маълумотлар базасида

ҳам таъминланади.

Амалиёт якунида бир ҳақиқатга амин
бўлдим: темир йўл транспортида ҳара-
кат хавфсизлиги – бу кўп босқичли ва
комплекс жараён. Техник назорат, инсон
омили, рақамли бошқарув ҳамда тўғри
медиа сиёсати ягона механизм сифати-
да ишлагандагина юқори натижа беради.
Ахборот эса бу механизмнинг муҳим ҳа-
ракатлантирувчи кучидир.

Бугун темир йўл хавфсизлиги ҳақида
гап кетганда, биз фақат техник кўрсаткич-
ларни эмас, балки жамият онгини ҳам на-
зарда тутишимиз керак. Чунки хавфсиз-
лик маданияти шаклланмаган жойда энг
мукаммал тизим ҳам етарли натижа бер-
майди. Шундай экан, замонавий шароит-
да ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш
нафақат муҳандислик вазифаси, балки
кенг қамровли коммуникацион стратегия
ва ижтимоий масъулият масаласидир.
Темир йўл – мамлакат иқтисодиётининг
таянчи бўлса, хавфсизлик унинг мустаҳ-
кам пойдеворидир.

Хулкар ШЕРЗОДОВА,
Тошкент давлат транспорт
университети магистранти

ТАДБИР

ЖАҲОННИНГ ИККИ БУЮК ИНСОНИГА ЭҲТИРОМ

Буюк шоир, сўз мулкининг султони ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Мир Алишер Навоий ҳамда буюк шоир, Бобурийлар салтанати асосчиси ва моҳир саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бой ва серқирра ижодий мероси, она тилимизда беқиёс сўз бойлиги, чексиз ифода билан талқин этилган асарлари биз, авлодлар учун улкан маънавий хазинадир. Ўзлимизни англаш, фарзандларимиз камолотида алломаларимиз бебаҳо асарлари жозибаси, тарбиявий аҳамияти ҳар томонлама беқиёс.



“Қуюв-механика заводи” акциядорлик жамияти маъмурияти ва Касаба уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 543 йиллигига бағишланган адабий-бадий ва маърифий тадбир ўтказилди.

Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир ва таржимон Асрор Мўмин, фалсафа фанлари доктори, шоир Лазижон Бахронов ҳамда корхона ишчи-ходимлари иштирок этди.

— Бу икки буюк шахс сиймоси нафақат буюк мутафаккир, балки халқпарвар давлат ва жамоат арбоби, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги, маънавият ва маданият



ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшган даҳо сифатида ҳамиша кўз ўнгимизда гавдаланади. Навоий ва Бобур боболаримиз асарларидаги миллий ва умуминсоний ғоялар ёшларимизни тарбиялашда муҳим ўрин тутди. Бетақор ижод намуналари инсониятни эзгуликка чорлайди. Бундай тадбирлар орқали Навоий ва Бобур асарларини кенг тарғиб этиш ижобий самара беради, деб ўйлайман, — деди “Қуюв-механика заводи” акциядорлик жамияти Касаба уюшмаси кўмитаси раиси Учқун Қаҳҳоров. — Улуғ бобокалонларимиз асарларини мутлоа қилар эканмиз, Уларнинг ҳар бир байти ҳикмат, ҳар бир ташбеҳи

мўъжизага бой эканлигини теранроқ англаб бораверамиз. Зеро, улар яратган бебаҳо асарлар бутун башариётнинг маънавий мулкига айланиб улгурган. Уларнинг асарларида тилга олинган Ванга муҳаббат, ота-онага ҳурмат каби инсоний фазилатлар бугунги кунда ҳам заррача бўлсада, ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Алломалар ҳаёти ва ижоди, энг муҳими, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур қалбини англаш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Бу орқали ҳар бир юртдошимиз, китобхон тасаввуфий-фалсафий сирлардан воқиф бўлиши, одамийлик сабоқларини олиши шубҳасиз.

ТИББИЙ КЎРИК

“ҚУЮВ-МЕХАНИКА ЗАВОДИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ЙИЛЛИК ДАВРИЙ ТИББИЙ КЎРИК ЎТКАЗИЛМОҚДА

9 февралдан “Қуюв-механика заводи” акциядорлик жамиятида 2026 йил учун ишчи-ходимларни йиллик даврий тиббий кўриқдан ўтказиш бошланди.

Мазкур тадбир ходимларнинг саломатлик ҳолатини тизимли назорат қилиш, касб касалликларининг олдини олиш ва хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш мақсадида ўтказилмоқда. Жамоа саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш корхона ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.



Жорий давр учун заводга флюорография текшируви, шифокорлар таклиф қилинди.

Бундай ёндашув юзига келиши мумкин бўлган касалликларни ўз вақтида аниқлаш, профилактика ишларини олиб бориш ва мутахассисларнинг индивидуал маслаҳатларини таъминлаш имконини беради.

Тиббий кўрик тасдиқланган жадвал бўйича барча санитария меъёр-



лари ва талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Завод раҳбарияти томонидан ишлаб чиқариш жараёнидан ажралмаган ҳолда кўриқдан ўтиш учун зарур ташкилий шароитлар таъминланган.

Мунтазам тиббий кўриқлар корхонанинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва саноат хавфсизлиги комплекс тизимининг муҳим қисмидир.

“Қуюв-механика заводи” акциядорлик жамияти ишчи-ходимларининг саломатлигини сақлаш, жамоанинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва корпоратив масъулият маданиятини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни изчил амалга оширмоқда.

Учқун ҚАҲҲОРОВ,
“Қуюв-механика заводи” акциядорлик жамияти Касаба уюшмаси кўмитаси раиси

Фойдали маслаҳат

ИФТОРЛИКНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИШ КЕРАК?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Рамазон ойида соғлом овқатланиш бўйича эълон қилинган тавсияларда ифторлик пайтида истеъмол қилиниши керак бўлган таомлар санаб ўтилди.

Маълум қилинишича, ифторлик чоғида соғлом ва меъёрида овқатланиб, қувватни тўлдириб олиш муҳим. Рўзани учта хурмо ёки сув билан очиш ифторликни бошлашнинг анъанавий ва соғлом йўлидир.

Хурмо одам танасидаги кўплаг аъзоларнинг тўғри фаолият кўрсатишини таъминлайдиган клетчаткага бой озуқа.

АҚШдаги Cornell University мутахассисларининг ёзишича, овқатланишдан олдин сув ичиш танани суюқлик билан озиқлантиришнинг энг яхши йўлидир.

“Лекин рўзани очиб қолганига кўп сув ичиб юбормаслик лозим. Бу саломатлик учун хавфли ҳисобланган сув интоксикациясига олиб келиши мумкин”, дейилади хабарда.

Организмни муҳим витаминлар



ва озуқа моддалари билан таъминлаш учун ифторлик таомномасига кўплаг сабзавотларни қўшган афзал.

Шунингдек, организмни қувват ва клетчатка билан таъминлайдиган донли (янчилмаган ва тозаланмаган) маҳсулотларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ.

Печда ёки грилда пиширилган ёғсиз гўшт, терисиз товуқ ва балиқ

тановул қилиш орқали организмни соғлом оқсиллар билан бойитишнинг мумкин.

Умуман олганда, ёғ ва шакарга бой, қовурилган ҳамда қайта ишланган маҳсулотлардан тийилиш керак. Ифторликдан сўнг кўп ширилик ейиш тавсия этилмайди. Бунинг ўрнига, сувга бой мавсумий мевалар, жумладан, олма истеъмол қилиш фойдали.

ИФТОРЛИК ПАЙТИ УЧУН 5 ТА ТИББИЙ ТАВСИЯ

1. Бир стакан сув ичиб, ифторлик овқатини емай, бир неча дақиқа кутиб туриш.
2. Асосий овқатни емасдан олдин салатлардан тановул қилиш. Ўзингизни бироз тўйгандек ҳис қилсангиз, ўн дақиқа кутинг-да, сўнгра овқат ейишни давом эттиринг.
3. Ифторлик таомини шошмасдан, охишта ейиш. Шунда ҳазм жараёни мукамал бўлиб, қорин шишининг олди олинади.
4. Ифторликни еб бўлган заҳоти ширилик емаслик. Чунки бу ҳам ҳазмни қийинлаштиради. Ширинликни асосий таомдан бир неча соат кейин еган яхши.
5. Ифторлик билан саҳарлик орасида 1,5 ёки 2 литр сув ичиш тавсия қилинади. Шунда танангиз кун давомида йўқотган суюқликнинг ўрнини тўлдириб олади.



ИРАН: ЗНАЧИТЕЛЬНЫЕ ИНВЕСТИЦИИ В РАЗВИТИЕ ТРАНСПОРТНЫХ КОРИДОРОВ



По сообщению информационного агентства Tasnim, в середине февраля 2026 г. президент Ирана М. Пезешкиан на встрече с инвесторами и представителями бизнеса объявил о выделении на строительство инфраструктуры транспортных коридоров и автомобильных дорог 2,5 млрд долл. США в дополнение к согласованному ранее 10 млрд долл. США, направляемых из доходов от продажи нефти. Наряду с инвестированием из государственных средств предпринимаются усилия по привлечению на эти цели частного капитала.

Интенсификация развития общественного транспорта и формирования инфраструктуры коридоров относится к приоритетным задачам правительства и реализуется в ускоренном режиме. Президент также указал на необходимость пересмотра или отмены положений законодательства или регуляторных норм, препятствующих реализации инфраструктурных проектов.

В декабре 2025 г. президент Ирана сообщил о выкупе земельных участков под строительство 100 км (из 162 км общей длины) железной дороги Решт – Астара – ключевого элемента западной ветви МТК «Север – Юг». В полном объеме этот процесс планируется завершить к концу текущего 1404 г. по иранскому календарю (20 марта 2026 г.)

ПРАВИТЕЛЬСТВО МОЛДАВИИ ПЛАНИРУЕТ РЕФОРМУ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА

В начале февраля 2026 г. правительство Молдавии объявило о планируемой реорганизации национальной железнодорожной компании Calea Ferată din Moldova (CFM) и создании принадлежащего государству акционерного общества Pasageri și Marfă.

Объекты инфраструктуры – пути и станции с оборудованием, земельные участки останутся в собственности государства под управлением CFM, а Pasageri și Marfă займется организацией грузовых и пассажирских перевозок. Активы нового акционерного общества составят около 1,5 млрд лей (88,3 млн долл. США) при акционерном капитале 869,4 млн лей.

В последние годы финансовое положение CFM было нестабильным. В 2022 г. компания получила прибыль 62,1 млн лей, а в 2024 г. – убыток в размере 322,6 млн лей. При этом неизменно росла долговая нагрузка.

Разделение функций управления инфраструктурой и перевозок должно обеспечить прозрачность затрат и доходов, реальную оценку экономических показателей, снижение нагрузки на госбюджет, целевое расходование средств, направленных на поддержку социально значимых пассажирских перевозок и увеличение объема инвестиций. Реформирование поможет ускорить и повысить качество обслуживания пассажиров. Более эффективная финансовая политика в среднесрочной перспективе позволит стабилизировать тарифы.



«УКРЗАЛІЗНІЦЯ» ОТПРАВИЛА ПЕРВЫЙ ПОЕЗД С ПОЛУПРИЦЕПАМИ В ВЕНГРИЮ

Перевозка полуприцепов, не оборудованных для традиционного метода перегрузки с использованием кранов, организована по линии колеи 1520 мм, соединяющей терминал Сквилов-Лиски во Львове с терминалом East-West Gate (EWG) в Феньеслитке (Венгрия). Из терминала EWG полуприцепы отправились к потребителям по европейской колее 1435 мм.

Проект реализован польской дочерней компанией «Укрзалізниця» – UZ Cargo Poland совместно с оператором логистического терминала EWG в Феньеслитке, который открылся в октябре 2022 г. За перевозку между терминалами Сквилов-Лиски и EWG отвечала еще одна дочерняя компания «Укрзалізниця» – Lisky Transport Service Center.

На терминалах использованы технологии компаний Sun Smart Logistics (Сквилов-Лиски) и R2L (EWG) – полуприцепы перемещались мобильными погрузчиками на специальных транспортных поддонах. На терминале Сквилов-Лиски полуприцепы погрузили на модернизированные платформы колеи 1520 мм, предоставленные Lisky Transport Service Center. На терминале EWG их переместили на платформы T3000 колеи 1435 мм.

Там самым подтверждена эффективность варианта транспортировки полуприцепов любого типа в сообщении между Украиной и странами Европейского союза по линиям колеи 1520 и 1435 мм.

В сентябре 2025 г. УЗ ввели в эксплуатацию свою железнодорожную линию колеи 1435 мм Ужгород – Чоп длиной 22 км, что позволило организовать беспересадочное железнодорожное сообщение с городами на территории стран Евросоюза – Кошице (Словакия), Будапештом и Веной.

По материалам интернета

СИЗ КУТГАН СУХБАТ

ФЕРУЗА СОБИТОВА:

“САЛБИЙ РОЛЛАР
СОҒЛИҚҚА ТАЪСИР ҚИЛАР ЭКАН”

Таниқли ва ўзининг эсда қоларли роллари билан ҳалқимизнинг кўнглига кириб борган актриса – Феруза Собитова 1980 йил 7 август кунда Бухоро шаҳрида туғилган. Бухородаги мусиқа мактабида таҳсил олган. Кейинчалик Тошкент давлат санъат олийгоҳида ўқиб, санъат соҳасидаги билимларини мустаҳкамлаган.



Шунингдек, Санкт-Петербург давлат маданият олийгоҳининг театр режиссёрлиги бўлимини тамомлаган. У “Телба”, “Сугдиёна”, “Уқубат”, “Тоға”, “Опа-сингиллар”, “Алданган аёл”, “Шаббона” каби қатор фильм ва сериалларда турли образларни маҳорат билан гавдалантирган. Айниқса, Шохрух рэпернинг “Болалигим” номли клипидagi таъсирчан образи орқали кенг жамоатчиликка танилган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қошидаги “Турон” театр-студиясида фаолият юритиб келмоқда. У бир нафар фарзанднинг меҳрибон онаси сифатида ҳам оила ва ижодни уйғунлаштириб яшамоқда. “Темирийўлчи” газетаси учун актриса Феруза Собитова билан қизиқарли ва самимий суҳбат уюштирдик.

– Феруза опа, илк ижодингизни қаердан бошлагансиз, қандай бўлган?

– Илк ижодимни тарихий фильмдан бошлаганман. 1996 йилда Бухорода ўқиб юрган пайтмда, ҳозирги санъат коллежи деб аталадиган таълим муассасасининг хореография бўлимида таҳсил олганман. Шу вақтларда соҳибқирон Амир Темур ҳақида фильм суратга олинаётган эди ва бизни кастингга чақирди. Мен кичкина роль – араб қизи образини ижро этганман. Чўл саҳналарида от миниб қатнашганман. Қисқача айтганда, ижод йўлим актрисаликдан бошланган.

– Қайси жанрда ишлашни кўпроқ ёқтирасиз?

– Менга кўпроқ комедия жанри ёқади. Аммо негадир менга комедик роллар кам таклиф қилинади. Аслида ҳаётда қувноқ, позитив инсонман, шунинг учун бахтли ва шўх ролларни ижро этишни яхши кўраман. Лекин типажимга қарабми, кўпроқ салбий ёки жиддий, драматик-психологик оғир роллар беришади. Балки ўша роллар менга ярашар, балки типажим шунга мойилдир.

– Салбий ролни ижро этиш осонми ёки ижобий ролниси?

– Мен учун ижобий ролни ўйнаш осонроқ, салбий роль эса қийинроқ. Лекин йиллар



ўтиб тажриба ортгани сайин ҳар иккиси ҳам енгиллашади. Чунки қаҳрамоннинг ички ҳолатини тушунишни ўрганасиз. Салбий роль қийин, чунки у



ерда ички келишмовчилик, ҳасад, оғир руҳий кечинмалар бор. Ўзимда бундай ҳислар бўлмагани учун бу ҳолатни чиқариш бироз машаққатли. Охирги пайтларда салбий роль ўйнашни истамаяман. Чунки бундай образлар инсон тақдир ва соғлиғига ҳам таъсир қилиши мумкинлигини англадим. Психологияни чуқур ўрганганимдан кейин шунини тушундимки, онг ости роль билан ҳаётни фарқламайди. Натижада бу ҳолатлар турли ноқулай вазиятлар ёки саломатликка таъсир сифатида қайтиши мумкин. Шунинг учун ҳозир роль танлаб ижро этяпман.

– Ижодда камнамо бўлиб қолдингиз, бунга нима сабаб?

– Ҳа, бироз танаффус олдим. Вақти-вақти билан чиқарилар қилиб турибман, лекин юқорида айтганимдек роль танлаяпман. Психологияни ўрганиб, ролнинг актёр ҳаётига таъсир қилишини ҳис қилдим. Шу боис кино мен учун ҳозир биринчи ўринда эмас. Айни пайтда бизнес билан шуғулланипман, катта жамоам бор. Ўз устимда ишлаяпман. Бу санъатдан кетдим дегани эмас, фақат энди сон эмас, сифатни танлаяпман. Қисқа метражли ва мазмунли лойиҳаларда қатнашиб турибман.

– Инсон ўз “мен”ини, яъни кибрни енгитиш учун нима қилиш керак?

– Ҳаммада “мен” бор. Лекин инсон ўз устида ишласа, илм ўрганса, китоб ўқиса, маънавий устоз кўрса – нафс, кибр ва манманликни енгитиш мумкин. Инсон қалби очилиши керак. Биз бу дунёга хизмат қилиш учун келамиз. Ҳаёт мазмуни – инсонларга яхшилик қилиш, ўзингдан кейин илм ва мерос қолдириш. Кўпчилик моддий бойлик ортидан юғурди, аммо маънавий бой инсон учун моддият муаммо эмас.

– Темир йўлдан фойдаланиб турасизми? Охирги марта қачон поездда чиққансиз?

– Темир йўлдан кўп фойдаланаман. Тадбиркорлик ишларим вилоятларда ҳам борлиги сабаб, айниқса, Бухоро, Навоий, Самарқанд томонларга кўп бораман. Андижонга ҳам бир марта борганман. Менга поездда саёҳат қилиш ёқади. “Афросиёб”да ҳам, “Шарк” поездиди ҳам юрганман. Кечкурун юрадиган поездларда ҳам сафар қилганман. Шароитлар жуда яхши, темирийўлчиларнинг йўловчиларга хизмати аъло.

Аваз ОМОНОВ
суҳбатлашди

САЁҲАТ ҚИЛИНГ!

ИСТАНБУЛ МИНОРАЛАРИ ОРТИДА ҚАНДАЙ АФСОНАЛАР ЯШИРИНГАН?

Истанбул ўзининг бетакрор силуети билан дунёга машҳур шаҳар. Қўёш ботиш маҳалида янада равшан кўзга ташланадиган масжид-у миноралар, мовий сувлар бағрида сузаётган паромлар ва Тарихий Яриморол бўйлаб салобат билан қад ростлаган етти тепа – буларнинг барчаси шаҳар манзарасининг ажралмас қисмидир. Аммо Истанбул қиёфасига алоҳида маъно ва жозиба бағишлайдиган яна бир муҳим рамз бор – унинг тарихий миноралари. Бу миноралар нафақат меъморий қиёфаси, балки бой тарихий ҳикоялари билан ҳам эътиборни тортади.



пункти, сургун жойи ва денгиз маёғи каби турли вазифаларни бажарган. Ҳатто қадимда Босфор бўғозидан ўтган кемалардан бож олинадиган маскан сифатида ҳам хизмат қилган. 1509 йилдаги кучли zilзила ва 1721 йилдаги ёнғин иншоотга жиддий зарар етказган бўлса-да, у бир неча бор қайта тикланган. Сўнгги кенг қўламли реставрация 2021 йилда амалга оширилди.

Бугунги кунда минорага қирғоқдан жўнайидиган махсус қайиқлар орқали бориш мумкин. Қиз минораси кўплаб афсоналарга бой. Ёнғ машҳури – подшоҳнинг қизи ҳақидаги ривоятдир. Унга кўра, маликанинг илон чақишидан вафот этиши башорат қилинади, подшоҳ уни ҳимоя қилиш мақсадида минора қурдиради. Бироқ тақдир ҳукми билан озик-овқат саватидан чиққан илон

маликанинг умрига зомин бўлади. Шунингдек, Қиз минораси ва Галата минорасининг ўртасидаги муҳаббат ҳақидаги ривоят ҳам машҳур. Уларнинг орасини Истанбул бўғози ажратиб туради – гўё бир-бирига етолмайдиган, аммо доимо соғинч билан қараб турадиган икки ошиқдек тасвирланади.

Романтик силует:
Галата минораси

Истанбулнинг тарихий миноралари орасида энг машҳурларидан яна бири – Галата минораси. 1335-1349 йилларда генуяликлар томонидан бунёд этилган ушбу иншоот Усмонийлар даврида омондор, ёнғин кузатув минораси ва ҳатто асирлар сақланадиган жой сифатида ҳам хизмат қилган.



1509 йилдаги кучли zilзила ва 1831 йилдаги йирик ёнғин оқибатида Галата минораси меъморий жиҳатдан муайян ўзгаришларга учради. 1965-1967 йилларда олиб борилган реставрация ишлари натижасида туристик масканга айлантирилди. 2013 йилда эса ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси вақтинчалик рўйхатига киритилди.

Галата минораси ҳақидаги машҳур ривоят Ҳезарфен Аҳмад Чалабий номи билан боғлиқ. Афсонага кўра, у ёғоч қанотлар билан минорадан учиб, Ускодарга етиб борган. Гўёки у Қиз минорасига ёзилган муҳаббат мактубларини ҳам олиб учган, бироқ шамол уларни Бўғоз тўққинларига сочиб юборган. Шунга қарамай, ривоятларда Қиз минораси бу муҳаббатни барибир ҳис этган, дейилади.

Об-ҳаво хабарчиси:
Беязит минораси

Беязит минораси 1749 йилда ёғочдан қурилган. У шаҳарда тез-тез юз берадиган ёнғинларни кузатиш ва у ҳақида огоҳлантириш вазифасини бажарган. Бир неча бор ёнғинлардан зарар кўрган миноранинг Беязит майдонига қараган томонида Султон Маҳмуд II нинг туғраси (хукмдорнинг калиграфия расмий муҳр-белгиси) туширилган лавҳа мавжуд. Миноранинг яна бир ўзига хос аҳамияти шундаки, у узок вақт давомида истанбулликларга эртанги кун об-ҳавоси ҳақида хабар бериб келган. Минора кўк рангда ёритилса – ҳаво очик бўлиши, яшил ранг – ёмғир ёғиши, сариқ ранг – туман тушиши, қизил ранг эса қор ёғишини аниқлатган.

Деворлар туташган маскан:
Мармар минора

Мармар минора Истанбулнинг энг қадимий мудофаа иншоотларидан бири ҳисобланади. У мармар блоклардан тўрт қаватли қилиб қурилган ва тарих давомида турли вазифаларни бажарган. Минорадаги паст-у баланд деворлар ҳамда қия йўлақлар унинг ҳарбий мақсадда қўлланганини кўрсатса, кейинчалик ички қисмига қўшилган сардобалар ҳамда айрим меъморий унсурлар

эса маълум даврларда турар жой сифатида ҳам фойдаланилганини аниқлатади.

Мафтункор меъморий
обида: Долмабахче
соат минораси

Долмабахче соат минораси Бемалием Валиде Султон масжиди билан Долмабахче саройининг Салтанат дарвозаси ўртасида жойлашган. Ушбу минора 1890-1895 йиллар оралиғида Султон Абдулҳамид II фармони билан бунёд этилган. У нафис ва ўзига хос меъморий қиёфаси билан ажралиб туради. Меъмор Саркис Бальян томонидан нео-барокко ва ампири услубида қурилган иншоот 27 метр баландликка эга бўлиб, сарой мажмуасининг муҳим безакларидан бири саналади.

Бешиктош юрагида:
Йилдиз соат минораси

Йилдиз соат минораси Бешиктош туманидаги Йилдиз саройи мажмуасига мансуб Йилдиз масжиди ҳовлисининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган. Шарқона (ориенталистик) услубда барпо этилган миноранинг ташқи фасадига ёзув лавҳаси ва барометр мавжуд. Ўзининг нафислиги билан ҳар бир кишида ҳайрат ва қизиқиш уйғотади.



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари”
акциядорлик жамияти,
Ўзбекистон темирийўлчилари
ва транспорт қурувчилари
касаба уюшмаси
Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ –
Умида ТҶИЧИБОВЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш.,
Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0139-рақам
билан 2007 йил 11 январда рўйхатга
олинган.
Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-234

Босишга топширилди: 19:30

1 2 3 4 5 6